

тахсил олади. Талабалар учун 1 та ёпиқ зал, 2 та сунъий майдон, 1 та теннис майдони, 1 та бадментон майдони, 1 та волейбол майдони, 1 та катта футбол майдони, 1 та гимнастика майдончаси мавжуд. Бир вақтнинг ўзида ушбу майдонлар 120 га яқин талабани қамраб олади. Жиззах давлат педагогика институтида 8500 га яқин талабалар тахсил олади. Талабалар учун 2 та сунъий майдон, 1 та футбол майдони, 1 та баскетбол майдони, 1 та гимнастика майдончаси, 2 та ёпиқ турдаги спорт зали, 1 та ёпиқ бассейн ва югуриш йўлакчалари мавжуд.

Ушбу спорт майдонлари бир вақтнинг ўзида 150 га яқин талабаларни қамраб олади. Гулистон давлат университетида 7000 га яқин талабалар тахсил олади. Талабалар учун эса 1 та ёпиқ зал, 2 та футбол майдони, 2 та волейбол майдони, 1 та гандбол майдони, 1 та гимнастика майдони, 2 та мини футбол майдонлари мавжуд. Ушбу спорт майдонлари бир вақтнинг ўзида 140 талабаларни қамраб олади.

Спорт иншоотларининг мавжудлиги асосий масалалардан бири албатта.

Аммо энг асосий масала талабалар кундалик ҳаётига жисмоний маданиятнинг сингдирилганлигида. Чунки мавжуд спорт иншоотларида ҳам талабалар доимий равишда шуғулланаётгани йўқ.

Демак, талабаларни онгли равишда, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига эҳтиёж етарли даражада эмас. Бунинг турлича сабаблари бор, албатта, мавжуд сабабларни аниқлаш мақсадида талабалар билан махсус талабаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган муносабати (ёндашувини) аниқлашга қаратилган сўровнома ўтказилди. Бунда Жиззах давлат педагогика институтининг физика-математика, тарих, табиий фанлар йўналишларидаги II – III курс талабаларидан 50 тадан жами 150 та талаба ёшлардан сўровнома ўтказилди. Ушбу талабаларнинг 82 таси ўғил болалар ва 68 таси қиз болалардан иборат бўлди.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди.

1. Сиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланасизми? саволига

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний - тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.01.2020 й.
2. Абдуллаев А. Хонкелдиев Ш.Х Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти дарслик.Т. 2005 й.
3. Ашмарин.Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. М.: Физкультура и спорт, 2003. 224 с.
4. Ахмедов.Ф.К. “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” фанидан “101 саволга 101 жавоб” – Жиззах, 2011 й.
5. Матвеев.Л.П. “Теория и методика физической культуры,” Учебник. М.Ж. 1991 г.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим муассасалари талабалари жисмоний маданиятининг йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, талабалар жисмоний маданиятидаги мавжуд муаммоларни аниқлашга қаратилган илмий назарий маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье определены направления физической культуры для студентов высших образовательных учреждений, а также освещаются научные взгляды к определению существующих проблем в этой сфере.

SUMMARY

The article outlines the areas of physical culture of students of higher educational establishments. It also contains scientific information aimed at identifying existing problems in the students, physical culture.

ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДАН БОШҚА ГУРУҲЛАРДА РУС ТИЛИГА ОИД ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Г.Ю.Атажанова - катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар : дидактик материал, орфоэпия, унли ва ундош товушлар, ургу, от, феъл, матн.

Ключевые слова: дидактический материал, орфоэпия, гласные и негласные слова, ударение, существительное, глагол, текст.

Key words: didactic material, orthoepy, vowels and unspoken words, stress, noun, verb, text.

Маълумки, рус тилини ўрганиш бўйича талабалар билим даражасининг пастлиги машғулотларда фойдаланилаётган ўқув материалларининг етишмаслиги билан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда машғулотларда фойдаланилаётган ўқув материалларида деярли янгиликлар

- Шуғулланаман -34%
 - Шуғулланмайман- 4%
 - Шуғулланаман доимий эмас -52% деган жавоблар
2. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш учун нималар зару деб ҳисоблайсиз?

- Жисмоний тарбия дарсларини кўпайтириш лозим - 22%.

- Спорт тўғрақларини кўпайтириш ва доимий ишлатиш лозим- 30%.

- Замонавий шароитлардаги спорт иншоотларини кўпайтириш лозим -26%.

- Кўпроқ оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш зарур 22% деган жавоблар.

3. Сизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмаслигингизга нима сабаби бор?

- Институтда мавжуд яратилган шароитлар етарли эмас -30%.

- Асосий муаммо ўқишим спорт билан шуғулланишимга вақтим йўқ -35%.

- Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш фойдали эканлигини биламан бироқ шуғулланмайман (тўғриси) одатланмаганман -35%.

мазмундаги жавоблар бўлди. Ўтказилган сўровнома асосида олинган жавобларга асосланган ҳолда талабалар жисмоний маданиятининг такомилланиши кўпгина омиларга боғлиқ ҳисобланади. Сўровнома асосидаги олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, талабалар кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тўла қонли сингдирилмаган. Шунинг учун ҳам талабалар асосий қисми турли ҳолатларни сабаб қилиб жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланмайдилар.

Талабаларнинг яна бир қисми олий таълим муассасаларида яратилган шароитлардан самарали фойдаланади ва яратилган шароитларни янада яхшироқ бўлишини хоҳлайди.

Демак, талабаларнинг жисмоний маданиятини оширишнинг асосий масалаларидан бири ва ҳал етувчи кўрсаткичи бу уларнинг кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортни сингдиришдан иборат.

таълим муассасаларида рус тилини ўрганаётган талабалар учун замонавий талабларга жавоб берувчи дидактик материаллар билан бойитилган ўқув қўлланмалари етишмаётган бир шароитда амалга оширишга тўғри келмоқда.

Фикримизга кўра, дидактик материалларни тузиш асосларини мавзуларнинг ранг-баранглиги, матннинг марказлаштирилиши тамойили, касбга йўналтирилганлиги, умуммаданий, инсонпарварлик йўналишлари ташкил этиши лозимлиги талаб қилинади. Мавзуларнинг рангбаранглиги тамойилининг зарурияти рус тилига оид ўқув қўлланмалари мазмунидаги мавзуларнинг тор доирага эга бўлиши, мавзуларнинг чекланганлиги ҳамда мактабда ўзлаштирилган мавзулардек таниш бўлиши билан боғлиқдир.

Мавзуларнинг ранг-баранглиги тамойилига мувофиқ равишда дидактик материаллар турфа хиллиги билан ажралиб туриши, шу жумладан, улар қаторида “Узбекистан-моя Родина”, “Великие события” ва бошқа мавзулардан иборат бўлиши лозим. Шубҳасиз, материалнинг муайян бир қисми Россия маданияти ва тарихи билан боғлиқ бўлиши даркор. Касбга йўналтирилганлиги тамойилига кўра, материаллар тизимида бирор касб билан боғлиқ бўлган таълимий очерклар тақдим этилиши лозимдир. Ушбу очерклар бирор олимлар ҳақида, талабалар мутахассислигига оид турфа хил маълумотлардан иборат бўлиши мумкин.

Дидактик материалларни тузишда матннинг марказлаштирилиши тамойили асосий аҳамият касб этади. Унга кўра, мавзулар мазкур тилни ўрганишнинг ғоят муҳим манбаси сифатида тан олинади. Мазкур тамойилнинг аҳамияти коммуникатив кўникмаларнинг шаклланишида мавзунинг тугган ўрни билан изоҳланади. Т.А.Ладженская томонидан ҳаққоний равишда эътироф этилганидек, мавзу нутққа ўргатиш бирлигига айланиб улгурган. “Мавзунинг тузилишини ўргана бориб, масалан, исботлаш-мулоҳаза қилиш жараёнида талаба мавзунинг ушбу турининг ўзига хос томонларини англаб етади, предмети кўникмаларга эга бўлиб боради... ва унинг барчаси коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади” [1:15]. Маданиятшунослик, инсонпарварлик йўналиши тамойиллари методологик аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра, дидактик материаллар талабаларда бағрикенглик, дўстлик, миллий, умумжаҳон қадриятларни севиш, Россиянинг маданияти ва тарихига қизиқиш ҳислари тарбиялаб борилади.

Дидактик материаллар тизими 3та бўлимдан иборат бўлиши лозим:

1) Рус тилининг турли бўлимлари, шу жумладан, орфография, морфология ва синтаксис бўйича амалий билимларга эга бўлиш, уни мустаҳкамлашга йўналтирилган машқлар тизимидан иборат.

2) Ҳар хил ҳаётий вазиятлар ва ҳолатларда мулоқот қила олиш қобилиятини мустаҳкамлаш имконини берувчи диалог тизими.

3) Ҳар хил мавзудаги таълим берувчи ва бадиий мазмундаги, шунингдек, бир қатор мутахассисликлар билан боғлиқ бўлган матнлар [1:18].

Дидактик материаллар билан ишлаш методикаси конкрет бир мавзу ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Биринчи ва иккинчи бўлим материаллари қўшмача топшириқлар сифатида тавсия қилиниши мумкин, учинчи бўлим материаллари эса ўқув машғулоти билан бир қаторда мустақил иш сифатида фойдаланилади.

Учинчи бўлим учун топшириқлар турли хиллиги билан ажралиб туради. Шу ўринда, айтиш жоизки, уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик талаб қилинади. Масалан, талабалар машғулоти пайтида “Ажиниёз Қосибой ўғли” матнини ўқишган бўлса, мустақил иш сифатида уларга “Мой Ажиниёз Қосибой ўғли”

мавзусида иншо ёзиш ундаги энг эсда қоларлик цитаталарни келтириб ўтиш таклиф қилиниши мумкин. Матн билан ишлаш жараёнида турфа хил ҳикоялар, тақдирот режасини тузиш, цитаталар келтириш, ёдлаб олинган ёзувлар, диалог яшаш, ҳаётий вазиятларни имитация қилиш, ролларга бўлиниб ўқиш ва бошқаларда фойдаланиш мумкин.

Дидактик материаллар билан ишлаш методикаси ўзининг ранг-баранглиги билан фарқ қилади. Аънавий материаллар билан бир қаторда, замонавий, масалан, тақдиротлар, синквейн тузиш, Венна диаграммаси, энг яхши савол ва жавоблар танлови, режалар тузиш, буюк инсонлар ва тарихий воқеалар ҳақидаги биологик маълумотлар учун цитаталар танлаш ва бошқалардан фойдаланилади.

Дидактик материал фақатгина руҳий маданиятни бойитибгина қолмай, тил ҳақидаги билимларни, коммуникатив кўникмаларни ҳам мустаҳкамлаш лозим. Масалан: От ҳақидаги материални мустаҳкамлашга доир талабаларга “И.Юсуповнинг “Пушкину” шеъридан парча таклиф этиши мумкин.

Соловьёв, страны, языки, народы

Но и тогда, покорные ветрам

Куда бы не поплыли пароходы

Они причалют к этим берегам [3:8].

Талабалар аввал келтирилган парчадан отларни ажратишлари ва сонни аниқлашлари лозим. Яъни: страны, языки, народы, вершин, пароходы, берегам.

1) Рус тилининг турли бўлимлари бўйича талабалар билимларини мустаҳкамлашга оид машқлар тизими

1. Орфоэпия

Товушларни уларни талаффуз қилиниши меъёрларига мувофиқ чиқаринг.

1) Унли а сўзнинг бошида аниқ талаффуз қилинади, яъни урғу билан ва биринчи урғусиз сўз билан: (жадвалга қаранг)

А в начале слова А в предупредном слоге А в полу ударном слоге

Автобиография-ўзининг таржимаи ҳоли Баран-кўчкор. Зима-қиш.

Агроном-агроном. Жара- иссиқ. Рукав-енг.

Арифметика-арифметика. Камин-ўчоқ, печь.

Сани-чана

Атрофироваться-қийшайиши, Закрыть-

ёпмок Дальний- узок, олис

Авангард- авангард Макать-ботирмок

О унли товуши талаффуз қилиниши меъёрларига мувофиқ равишда айтинг:

1) Сом,вода,пожар,гора

2) Хорошо, когда, молоко, молодой

3) Дома,просьба, сорок, город. [3:17].

1 Машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг. Й ва И айтилишига эътибор беринг

Музей прикладного искусства – музеи мира, мой дом – мои дома, твой день-твои дни, одинаковые фамилии – одинаковых фамилий, трудные бои – трудный бой, смелый ковбой- смелые ковбои, интересные лекции – конспекты лекций, народный герой – народные герои войны, свой кабинет- свои дела.

2 Машқ. Сўзларни ўқинг, қайси ундош сўзларни товуш чиқарган ҳолда, қайсиларини эса- товушсиз эшитганлигини аниқланг.

Лук-лук, род-рот, суп-зуб, тело-дело, кот-код, дом-том, роза-роса, гора-кора. (3.22)

От

Қуйидаги отлиқ сўзларнинг родини аниқланг.

Лекция, семинар, симпозиум, путь, статья, информация, компьютер, ночь, день, кольцо. 1. Объясните особенности несклоняемых существительных на основе примеров: Окна кафе, пойти в кафе, следующий дом за кафе. Обратиться в жюри, последнее слово за жюри, состоять в жюри. 2. Выделите одушевленные суще-

ствительные: Кукла, лошадь, собака, береза, рода, письмо, тетя, племянник, ферзь. 3. Придумайте предложения со следующими словами на русском и узбекском языках: Инициатива – ташаббус; приоритет – устиворлик; позиция – ҳолат; в перспективе – истикболда.

Феъл

Феъл 1.Қоидани тўлиқтиринг:

Глаголы совершенного вида имеют будущее простое время, не имеют напишу, напишет. Глаголы несовершенного вида имеют будущее сложное время и образуют..... время: будешь писать, пишет. 2. Определить время глагола: 1. Действие совершается одновременно с моментом речи это..... время. 2. Форма этого времени выражается формообразующим суффиксом. Это..... время. 3. Отражает действие, которое будет иметь место после момента речи о нем. Это.... время. 4. Сформулируйте правило о переходных и непереходных глаголах на основе выполнения задания:

Завершить предложения: Писатель пишет..... Художник рисует..... 2) Определить падеж, что обозначают (конкретное или неконкретное действие). 3) Все глаголы с суффиксами – ся, съ Являются..... Художник любит картину. 4) Образуйте неопределенную форму глагола: Философствую, аргументирую, зазываю, анализирую. К данным глаголам подберите однородные с разными приставками: Декламировать,

комментировать, критиковать, формулировать, цитировать, анализировать, рекомендовать.

Саёхат.

-Будьте добры, скажите, пожалуйста, где находится туристическое бюро? - Добрый день, помогите мне выбрать путевку (недорогую) в Юго-Восточную Азию. - У нас есть путевки во все направления: в Китай, Корею, Японию. - Сколько стоит путевка в Китай? - На две недели в Пекин стоит 650 долларов. - Мне это подходит. Спасибо Вам. - Приятного Вам отдыха.

Тошкент-тинчлик ва дўстлик шахри.

Город впервые упоминался под названием Ташкент в 11 веке в сочинениях Абу Райхона Аль Беруни и Махмуда Кашгари. Ташкент сегодня огромный, благоустроенный город. В центре города стоит памятник Амиру Темуру. Жители Ташкента любят свой город, его парки, скверы. Одним из красивых зданий Ташкента является узбекский академический театр оперы и балета имени Алишера Навои. В городе построено много крупных, красивых объектов - площадь Мустакиллик, площадь Дружбы народов, стадион Пахтакор, дворец спорта Алпамыш, теннисный корт, воздвигнуты замечательные памятники: Амиру Темуру, Алишеру Навои, Улугбеку. С 1977 года начал действовать ташкентский метрополитен. В Ташкенте много учебных заведений, колледжей, гимназий, школ, вузов. Облик Ташкента меняется с каждым днём.

Адабиётлар

1. Ладыженская Т.А. Система работы по развитию связанной устной речи учащихся. -М.: 1975, -С.16.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. -Т.: 2003.
3. Андрианова В.И. Учебное пособие для методистов. -Ташкент: 1996.

Мазкур мақолада рус тилини ўқитишнинг бир қанча жиҳатлари акс эттирилган. Муаллиф томонидан замонавий шароитларда тилни ўзлаштиришнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўргатишнинг муайян услубларига батафсил таъриф берилган.

В статье отражены некоторые аспекты обучения русскому языку. Исходя из целей и задач усвоения языка в современных условиях, со стороны автора подробно охарактеризованы определённые методы обучения.

The article contains information about some aspects of teaching the Russian language. Based on the goals and objectives of language acquisitions in modern conditions, the author has described in detail certain teaching methods.

«ТАЯНЧ МАСАЛА»ЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

Д.Н.Ашурова – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: инновацион дастурий-дидактик мажмуа, “Таянч масала”, “Таянч масала”принциплари.

Ключевые слова: инновационный программно-дидактический комплекс, методика “Опорных задач”, принципы “Опорных задач”.

Key words: innovative program and didactic complex, methods of "Basic tasks", principles of supporting tasks.

Бугунги кунда таълим сифати ва унинг самарадорлигини ошириш учун яратилган ўқитишнинг бир қатор ноанъанавий усуллари қўлланилиб келинмоқда. Шу ўринда таникли педагог В.Ф.Шаталов [1:135] “Таянч сигналлар” ижодкори сифатида танилганлигини, уни ўз дарсликларидида билим олувчилар шахсини рўёбга чиқарувчи, уларнинг кимлигини, нимага қодирлигини тасдиқловчи дидактик ўйинларга кенг ўрин беришини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. В.Ф.Шаталов илк бор таълим амалиётида ўқув материални тушуниш ва ўзлаштириш механизмининг самарали ишлашини таъминловчи, билимларни сифатли эгаллабгина қолмай, балки вақтнинг ҳам тежалишига олиб келувчи системани яратган моҳир педагог сифатида тан олинган.

Ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда талабаларни фаоллаштириш бўйича қатор самарали усуллар мавжуд бўлиб, уларга мустаҳкам билим ва кўникмаларни сингдириш, ўрганиладиган фанни предмет соҳасига оид аниқ фан ички алоқаларида ҳам, тадқиқ этиладиган муаммоларни ташқи алоқаларида ҳам асосланган. В.Ф.Шаталов ўқув материални тушуниш ва ўзлаштириш механизмининг самарали

ишлашини таъминлаш мақсадида илк бор «таянч сигнал», «таянч тушунча», «таянч конспект» ва «таянч топширик» каби усулларни киритган. **Таянч сигнал** ўзаро узвий боғловчи рамзлар (ишора, сўз, схема, расм ва ҳ.) бўлиб, қандайдир маъноли моҳиятни алмаштиради. **Таянч конспект** - ўқув материаллари ўзаро боғланган усулларининг бутун қисмлари сифатида фактлар, тушунчалар, ғоялар тизими ўрнида қўллана оладиган кўргазмали конструкциялардан иборат қисқача шартли конспект кўринишидаги таянч сигналлар системасидир. В.Ф.Шаталовнинг хизматлари шундаки, у машғулотларда етарли даражада ва барчаннинг фаоллигини таъминловчи ўқув фаолияти тизимини ишлаб чиқди. Ўқув жараёнида қўлланиладиган бу усуллар биргина ўрта мактаб учун ишлаб чиқарилган бўлиб, ўқувчиларнинг билим даражаси мактаб фанлари орқали синовдан ўтказилган.

Олий таълим муассасаларида эса тажрибали, қобилиятли, ижодкор педагоглар ижоди билан боғлиқ айрим намуналаридан мустасно ҳолатда, кўпгина ҳолатларда ўқитувчининг ўз касбига лаёқатли эканлигини баҳолашда одатда бир томонли мезонлар асосида ёндашилади: ўқитувчи ўз соҳасида тан олинган